

Ички йўлларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда



Аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал етиш, маҳаллаларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида маҳаллаларда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Навбатдаги ишлар туманнинг “Истиқлол” маҳалласида олиб борилди. Маҳалланинг 1 кмдан ортиқ тупроқ йўлларига тош тўкилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Йўлларни таъмирлашда махсус техникалар ёрдамида текислаш ва пресслаш ишлари олиб борилганлиги йўлнинг равон бўлишини таъминламоқда.